

Жисмоний машқ - тан давоси

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида спортни ривожлантиришга ва ёш спортчиларни Халқаро миқёсда рақобатбардошлигини ошириш, жисмоний салоҳияти юқори, руҳий тетик спортчиларни тайёрлашга катта эътибор кўрсатиб келинмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусни иккинчи ташаббуси айнан ёшларни жисмоний чиништириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган. Ҳозирги кунда ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, республикада мавжуд барча олий таълим муассасасида спорт билан шуғулланишга шарт-шароитлар мавжуд.



Ушбу шароитлардан унумли фойдаланиш талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида ТТЖ кенгаши раиси Саидахмедов Жаҳонгир билан биргаликда Талабалар турар жойларида яратилган шароитдан унумли фойдаланиб, талаба-ёшларимиз эрта тонгдан туриб, бадантарбия машқлари бажаришди. Бу эрталабки бадантарбия машқларини талабаларимиз ўзлари учун анъанага айлантиришган десак, айтиш ҳақиқатни айтган бўламиз. Бу спорт машқлари бугунги пандемия шароитида ўзларининг соғлиқлари учун ҳам фойдали деб ўйлаймиз.

ТИҚХММИ матбуот хизмати